

# Нидо



O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI BOSH  
PROKURATURASINING  
NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan


2006-yil 7-iyun, № 23 (442)



Узининг қўшиқларида куйланган машҳур олмаси, Чуст дўпписи-ю пичоқлари, камалак рангида кўзини қамаштирувчи атласлари билан машҳур бўлган Наманган вилояти истиқлол йилларида янада кўркам қиёфа касб этмоқда. **Мустақиллик ёшларга дунёвий билим сирларини эгаллашларига чексиз имкониятлар яратган бўлса, хунармандлар ишлаб чиқараётган янги-янги буюмлар барчага манзур бўлмоқда. Шаҳар-у, қишлоқларда қад ростлаётган бири-биридан салобатли, замонавий ишоотларни кўриб кўзингиз қувнайди. Наманган аҳлининг тилидан эса, бу кунлардан шукроналик тушмайди. Улар озод ва обод Ватан равнақиға улуш қўшиш ниятида баҳоли қудрат жўшқин меҳнат билан**

банлар.

4-5-бетлар



## Parlamentda

Ўтган ҳафтада парламентнинг юқори палатасида Ўзбекистон Марказий банкнинг 2005 йилги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи тингланди. Ийгилишда Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзолари, Марказий банк бошқаруви раиси ва унинг ўринбосарлари, республикадаги йирик тижорат банклари бошқарувчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

## Марказий банк ҳисоботи тингланди

Мажлис Сенатинг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси Б.Иминовнинг кириш сўзи билан бошланди. Шундан кейин Марказий банк бошқаруви раиси Ф.Муллажонов кун тартибидеги масала юзасидан маъруза қилди.

Маърузадан маълум бўлишича, ўтган йили мамлакатимиздаги банк тизимини ривожлантириш ва эркинлаштириш, миллий валютамизнинг қадрини мустаҳкамлаш учун катта ишлар қилинган. Жумладан, ўтган йили ажратилган жами кредитларнинг 81,1 фоизини узоқ муддатли кредитлар ташкил этган. Айниқса, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун кредит ажратишга алоҳида эътибор қаратилган. Деҳқон ва фермер хўжаликларига 792 млрд. сўмлик кредит берилган. Республикада истеъмол товарлари нархининг ошиши туфайли инфляция даражаси 7,8 фоизни ташкил этган. Аввалги йиллардагидек ички бозорда валюта операциялари сони кўпайган. Республикаимизнинг ташқи савдо оборотида илк бор 1,3 млрд. долларлик ижобий салдога эришилган. Олтин-валюта захиралари 35 фоизга ошган. Иқтисодиётнинг реал секторига 3 трлн. сўмликдан ортик капитал киритилган. Аҳолига 217 млрд. сўмлик истеъмол кредити ажратилган. Фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида 2 млн. 100 мингта пластик карточка жорий қилинган. 2006 йилда карточкалар сонини 3 млн.тага етказиш кўзда тутилган.

Маъруза юзасидан «Халқ банки» бошқарувининг раиси М.Жумангелдиев, сенатор И.Узоқова ва бошқаларнинг фикрлари тингланди. Сенат қарорига биноан Марказий банкнинг 2005 йилги фаолияти қониқарли деб топилди.

Ўз мухбиримиз

## Uchrashuv

### ЎЗБЕКНИ МАДҲ ЭТГАН ШОИР

Адабиётга ошно кўнгилда кир бўлмайди. Зеро у бошдан-оёқ эзгуликка йўғрилгандир. Адабиёт намоёндалари билан бўладиган учрашувлар эса мўҳлислар учун ўзига хос байрам. Ана шундай тadbир 2 июн кuni Республика Бош прокуратурасида бўлиб ўтди.

Прокурор-тергов ходимлари билан бўладиган бу галги учрашувга Ўзбекистон қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Эркин Вохидов тақлиф қилинган эди. Миллат қаҳрамонлари билан учрашиш ҳар кимга ҳар доим ҳам насиб этавермайди. Шу боис Республика Бош прокуратураси прокурор-

тергов ходимлари малакасини ошириш маркази директори Эркин Абзалов мулоқотни бошлаб бергач, йирилганлар қаҳрамон шоирнинг ижоди, парламентдаги фаолияти ҳақидаги мулоҳазаларини эътибор билан тинглашди. Шундан сўнг Эркин Вохидов мухлисларнинг адабиёт, маънавият, тилчимизнинг софлиги, дарсликлар, машҳур «Ўзбегим» шеърининг ёзилиш тарихи ҳақидаги саволларига батафсил жавоб қайтарди ҳамда янги шеърларидан ўқиб берди. Учрашувдан олинган ёрқин таассурот иштирокчиларнинг дилида узоқ вақт сақланиб қолиши шубҳасиз.

## Моҳият

*Ҳар бир одам нимадир ба-  
жармоқ учун дунёга келади.  
Ер юзида яшаб юрган ҳар бир  
инсоннинг ҳаётда ўз вазифа-  
си бор.*

Эрнест ХЕМИНГУЭЙ

## Yangi kitob

### Қонун ҳужжатлари: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ МАСАЛАЛАРИ

Қонун ҳужжатларининг сифати ва самарадорлиги бўлган талаб тобора ортиб бораётганлиги амалдаги қонунларни танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиш, замон талабига жавоб бермайдиганларини бекор қилиш ва янгиларини яратиш ҳамда уларнинг ижросини таъминлашни тақозо этмоқда. Мазкур вазифаларни амалга оширишда амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини мўҳим ўрин тутди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президентини ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институти томонидан «Қонун ҳужжатлари мониторинги: назария ва амалиёт масалалари» номли китоб тайёрланиб, ўзбек ва рус тилларида чоп этилди.

Мазкур китобда парламент депутатлари ва сенаторларнинг, Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ходимлари, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институти ва ҳуқуқшунослик йўналишидаги олий ўқув юртлири ўқитувчиларининг қонун ҳужжатлари мониторингининг илмий-назарий, тизимли таҳлили ва умумий таъсифига ҳамда қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти мониторингининг хусусиятларига оид илмий мақолалари чоп этилган.

Китобда, шунингдек, қонун ҳужжатлари мониторинги тушунчаси, унинг халқаро конвенциялар ижросини таъминлашдаги аҳамияти билан боғлиқ долзарб масалалар юзасидан тақлиф ва тавсиялар баён этилган. Мақола ва тезисларнинг моҳиятини очиб берадиган схемалар ҳам ўқувчилар учун қулайлик туғдиради. Таъкидлаш жоизки, бундай китоб илгари нафақат Ўзбекистон, балки МДҲга кирувчи давлатларда ҳам чоп этилмаган эди. Шу маънода, у қонун ҳужжатлари мониторингига қизиқувчи мутахассислар ва кенг жамоатчилик учун қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Садриддин ХИДИРОВ,  
ТДЮИ кафедра мудири

Мамлакатда қонун устувор бўлса, фуқароларнинг ўз бурчларини, адо этишлари учун ҳам шу қадар катта имконият яратилади. Давр тақозосига кўра республикада тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга йўналтирилган қатор қарор ва фармонлар қабул қилинди. Президентимизнинг «Тadbиркорлик субъектларини текшириш-

марта, бошқа тadbиркорлик субъектларининг фаолиятини эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш белгиланган. Янги ташкил этилган микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти юзасидан улар

## Farmon va ijro

фуқаролар йиғини раиси Б.Боқиев бошқа тadbиркорлар катори маҳалла ҳудудида жойлашган нонвойхонанинг нормал ишлаб туриш учун хусусий тadbиркор М.Файзуллаевадан ҳар ойда 100.000 сўмдан пул бериб туришнинг талаб

### Бахтиёр ШОМИРЗАЕВ, Навоий вилояти прокурори

## Ноқонуний аралашувлар

*тadbиркорлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда*

ни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги фармони уларнинг узвий давомидир.

Мазкур фармон билан тadbиркорлик субъектларини текширишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этиш учун назорат органлари мансабдорларининг жавобгарлиги янада кучайтирилган.

Хусусан, микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан битор

давлат рўйхатига олинган пайдандан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмаслиги қатъий белгилаб қўйилган.

Шундай бўлса-да, жойларда ҳанузгача кичик бизнес, хусусий тadbиркорлик ривожига тўсиқ қўйиш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашмиш, ҳуқуқларини чеклаш ҳоллари тўлиқ бартараф этилгани йўқ.

Биргина мисол. Навоий шаҳридаги «Олтин водий» маҳалла

қилган. Кетма-кет сўровлардан кейин нонвой М.Файзуллаева қонун ҳимоячиларига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Маҳалла оқсоқоли эса 2005 йил октябр ойи учун 40.000 сўмини хизмат хонасида санаб олаётган вақтда ушланган.

Мазкур ҳолат юзасидан вилоят прокуратураси томонидан Б.Боқиевга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозир жамо мақддарилиги таъминланган.

(Давоми 2-бетда).



## Муқаддима

Ешликни бежиз умр баҳорига қиёс қилмайдилар. Боиси, бу фаслда наботот униб-ўсгани каби инсон ҳам айнан шу паллада улғаяди, ҳар томонлама камолга етади. Талабалик нафақат жисмоний баркамоллик, балки маънавий етукликка интилиш даври ҳам ҳисобланади. У ёшликнинг шижоати билан уйғунликда кечади. Олдига қўйилган мақсад сари илдам қадам ташлаш, барча тўсиқларни енгиб, илм чўққисини забт этишга интилиш унинг ўзига хос хусусиятидир. Сабоқ азда кунларга уланган тунлар, бир умр хотиранда муҳрланиб қолувчи лаҳзалар, гоҳо ғамгин, гоҳо шод кечган онлар — буларнинг бари талабаликнинг ўчмас ёди бўлиб қолади. Ҳар бир дақиқаси олтинга тенг бу даврдан қоладиган яна бир муҳим жиҳат бор, яъни китоб билан бир умрга ошно бўлиш ҳам аслида айнан шу даврда инсон учун одатга айланади. Чунки талабалик китобга ихлол, касбга меҳр, келажакка умид бағишлайди. Шоир айтгандек:

*Қалбимизга илму урфон  
уруғини сочган сен,  
Бошимизни кеча-қундуз  
китобларга эгган сен.*

Ҳар қандай жамиятда ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом, замон талабларига жавоб берадиган етук мутахассисларни тайёрлаш учун уларга барча шароитни яратиб бериш тараққиёт сари қўйилган илк қадам саналади. Бугун пойтахтимиздаги кўплаб талабаларни бағрига олган «Ешлик» шаҳарчаси келажак ворислари учун муносиб маскан ҳисобланади.

## «Ешлик» шаҳарчасининг ёшгина тарихи

1992 йил 11 февралда Вазирилар Маҳкамасининг 60-қарорига биноан Собир Раҳимов тумани ҳудудига «Ешлик» талаба-

лар шаҳарчаси мустақил маъмурий ҳудуд сифатида ташкил топди. Майдони 600 гектардан кўпроқ бўлган ушбу ҳудуд 9 маҳаллани ўз ичига олиб, унда 42.000 га яқин фуқаро истиқомат қилади. Шаҳарчада республикамизнинг энг нуфузли саналувчи Ўзбекистон миллий университети, Тошкент давлат техника университети ҳамда уларнинг академик лицейлари, Тошкент маданият, банк, политехника, тиббиёт, маънавий хизмат кўрсатиш коллежлари, Глиэр номидаги республика мусика академик лицейи фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Тошкент давлат юридик ва молия институтлари ўқув корпусларининг бир қисми ва талабалар турар-жойлари ҳамда Тошкент давлат авиация, санъат институтларининг ана шундай бинолари жойлашган. Бу ерда виллоятлардан келиб таълим олувчи 9000 нафардан ортқ талаба 15 та ўқув юртига тегишли 39 та талабалар уйида истиқомат қилади. Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими раҳбар ходимлари малакасини ошириш институти ва тиббиёт академияси қошидаги 1- ва 2-республика шифохонлари, республика урология



# ТАЛАБАЛИК — ОЛТИН ДАВР

маркази, республика кўз касалликлари шифохонаси, 2 та поликлиника шаҳарча ҳудудидан жой олган. «Ешлик» шаҳарчаси ҳокими Рўзимурод Чориев таъкидлаганидек, бу маскан мамлакатимиз учун етук мутахассислар тайёрлайдиган йирик марказ саналади.

## Ташаббус

Ғайрат-шижоати жўшиб, илм олиш иштиёқига бўлган талабалар учун зарур шароитни яратиб бериш уларга руҳий кўтаринкилик бахш этиш билан бирга интеллектуал салоҳиятининг оши-

ва замонавий мебеллар билан жиҳозланган хоналарни талабалар ихтиёрига топширишда «Ўзавтойул», «Ўзегилсаноат», «Автосаноат», «Элтесаноат», «Кимсаноат» ва Бекобод металлургия комбинати каби ҳомиёларнинг ҳиссаси катта бўлди. Ва ниҳоят орзиқиб қутилган кунлар келди.

## Янги ўйлар муборак

Бугун шаҳарча бутунлай ўзга қиёфада. «Ешлик» том маънода ёшартирилган. Бу ердаги ёшларнинг ўзларига қарашли хиёбони, ҳокимияти бор. Уларнинг ҳаракатларидан ғайрат-шижоати тўлиб-тошгани сезилиб туради. Кетма-кет жойлашган кўркам бинолар файзга файз қўшиб турган ям-яшил майсазорлар бу шаҳарчада асосан умрининг гўзал баҳорини кечираётган инсонлар истиқомат қилишини яна бир қарра таъкидлаётгандек туюлади. Мангулик тимсоли саналмиш арча ниҳоллари эса бу масканда абадий ёшлик ҳукми суришига ишорадек гўё.

Талабалар уйига кириб борар эканмиз, интернет тармоғига уланган компьютер хоналари, спорт билан шуғулланиш учун хоналар, ҳар бир қаватда юмшоқ мебел ва телевизорлар билан жиҳозланган дам олиш хоналари мавжудлигининг гувоҳи бўламиз. Қиз ва ўғил болалар ошхоналарида эса замонавий газ плиталари, музлаткичлар борлиги ва кир ювиш машиналари талабалар ихтиёрида эканлиги шароитнинг аъло даражада эканлигини намойён этиб турибди. Бундан ташқари, «Маънавият» хо-

насида 34 номдаги газета ва журналлар таълим олувчиларнинг билimini ошириш ва дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилаяпти.

Хона ичида бундан-да қулайроқ шароитни кўриб, талабаларга чиндан ҳавас қилдик. Чунки улар учун ҳар бирига алоҳида стол лампаси ўрнатилган стол-стул, китоб жавони, кийим учун шкаф, юмшоқ ўрин муҳайё эди.

«Насиб қилса, чет элларда ўқиш бахтига мясасар бўлсак, — дейди биз билан суҳбатда талаба Ерқини Обидова, — у ердаги шароитни кўриб эсанкираб қолмаймиз. Чунки ўзимиздаги қулайликлар уларникидан қолишмайди».

## Илм, ҳунар ва ҳордиқ — яхлит учлик

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва уларнинг қизиқишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ешлик»-да «Маънавият ва маърифат» маркази иш бошлади. Олимжон Худойназаров раҳбарлик қилаётган бу марказга 1210 киши аъзо. Бу ерда фаолият юритаётган «Ғоявий тарғибот» бўлими, «Иждодкор ёшлар» клуби, «Ихтирочи ёшлар», «Социологик-психологик хизмат» гуруҳлари, «Ҳуқуқий маслаҳатхона», «Замонавий либослар тикиш маркази», «Кувноқлар ва зукколар» клуби ёшларни янада фаолликка қорлаётди.

Шу билан бирга марказ «Ешлик» шаҳарчаси ҳудудига соғлом маънавий муҳитни шакллантиришни ҳам мақсад қилган бўлиб, тарғибот ишларига юксак билим ва савияга эга, жонқуяр талабаларни жалб этмоқда.

Маънавий хордиқ чиқариш мақсадида ҳар жума марказ майдонида «Жума оқшоми» ташкил этиляпти. Бундан ташқари, юқори ташкилотлар ҳамда вазирликлар ходимлари, атоқли олимлар билан


ўтказиладиган учрашувлар талабалар учун ўзига хос ибрат мактаби вазифасини ўтамоқда. Ёшларни комил, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук қилиб, тарбиялаш марказининг асосий мақсадларидан ҳисобланади. Шу муносабат билан яқинда ёшлар иштирокида 24-мехрибонлик уйида тадбир ўтказилди.

Албатта, илм олиш билан бир қаторда бирор хунарни ҳам ўрганиш аънанами бизда қадимдан мавжуд. Шу сабабли ҳам ёшлар учун ташкил этилган бегул ўқув курслари ҳамisha гавжум.

«Маънавият ва маърифат» марказининг таълим муассасаларида ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Маҳмудхўжа Садридинов ёшларнинг тақдирлар билан келаятигандан мамнун. «Уларнинг истагига биноан яқин орада тил ўрганиш курсини очмоқчимиз», — дейди у. Қисқа

қилиб айтганда, бу маскан ёшларнинг кунининг иккинчи ярмини самарали ўтказишида ўзига хос ўрин тўтиб келмоқда.

Талабаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун бугунги кун-




да Тошкент тиббиёт академияси ҳудудига 4000 ўринли спорт комплекси, ЎЗМУ ва техника университети худудларида ёпиқ сузиш хавзаси ва спорт комплекслари қурилиши жадаллик билан олиб борилаётган. «Ешлик» ҳақида сизни қизиқтирган барча маълумотларни яқинда ташкил қилинган интернет сайтдан олишингиз мумкин.

## Сўнг сўз ўрнида

Тараққиётга интилган ҳар қандай жамият, энг аввало, ёшлар тарбиясига эътибор қаратади. Чунки нафақат эртанги кун учун зарур бўлган мутахассислар тайёрлаш, балки жамиятда соғлом муҳит яратиш ва қўзланган улкан мақсадларга эришиш бугунги ёшларга қай даражада эътибор берилаётгани, уларнинг қизиқишлари қай даражада рағбатлантириляётгани билан бевосита боғлиқ.

«Ешлик»-да олиб борилаётган кенг қамровли ишлар айна шу масала шаҳарча раҳбариятининг диққат марказида турганлига ёрқин далилдир. Шундай экан, яқин келажак ушбу масканда истиқомат қилиб, таълим ва тарбия олган шаҳарча фуқароларининг ватанмиз тараққиётига қўшуви оламшумул ҳиссасига гувоҳ бўлсак ажаб эмас.

Мактуба МЎМИНОВА,  
ЎЗМУ журналистика  
факултети  
4-курс талабаси



шига ҳам хизмат қилади. Шу мақсадда Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан таълим олувчиларнинг яшаш шароитини яхшилашга қаратилган улкан ишлар ўтган йилнинг ёз ойида бошлаб юборилди. Уни-верситет маъмурияти ҳамда талабаларнинг бевосита иштироки қурувчилар ғайратини янада оширди. Эзгу мақсадларни қўзлаб дарсдан сўнг ихтиёрий тарзда бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этган талабаларнинг фидойилиги таҳсинга лойиқ эди. Қисқа вақт ичида сифатли таъмирланган













# 18-жаҳон Чемпионати



## A Германия, Коста-Рика, Полша, Эквадор

9 июн.	21:00	Германия — Коста-Рика	..
	24:00	Полша — Эквадор	..
14 июн.	24:00	Германия — Полша	..
15 июн.	18:00	Эквадор — Коста-Рика	..
20 июн.	19:00	Эквадор — Германия	..
	19:00	Коста-Рика — Полша	..

	Ю	Д	М	Т:Н	О
Германия					
Коста-Рика					
Полша					
Эквадор					

## B Англия, Парагвай, Тринидад ва Тобаго, Швеция

10 июн.	18:00	Англия — Парагвай	..
	21:00	Трин. ва Тобаго — Швеция	..
15 июн.	21:00	Англия — Трин. ва Тобаго	..
	24:00	Швеция — Парагвай	..
20 июн.	24:00	Швеция — Англия	..
	24:00	Парагвай — Трин. ва Тобаго	..

	Ю	Д	М	Т:Н	О
Англия					
Парагвай					
Трин. ва Тобаго					
Швеция					

## C Аргентина, Кот-Д'ивуар, Сербия ва Черногория, Голландия

10 июн.	24:00	Аргентина — Кот-Д'ивуар	..
11 июн.	18:00	Серб. ва Черн. — Голландия	..
16 июн.	18:00	Аргентина — Серб. ва Черн.	..
	21:00	Голландия — Кот-Д'ивуар	..
21 июн.	24:00	Голландия — Аргентина	..
	24:00	Кот-Д'ивуар — Серб. ва Черн.	..

	Ю	Д	М	Т:Н	О
Аргентина					
Кот-Д'ивуар					
Серб. ва Черн.					
Голландия					

## D Мексика, Эрон, Ангола, Португалия

11 июн.	21:00	Мексика — Эрон	..
	24:00	Ангола — Португалия	..
16 июн.	24:00	Мексика — Ангола	..
17 июн.	18:00	Португалия — Эрон	..
21 июн.	19:00	Португалия — Мексика	..
	19:00	Эрон — Ангола	..

	Ю	Д	М	Т:Н	О
Мексика					
Эрон					
Ангола					
Португалия					



## E Италия, Гана, АҚШ, Чехия

12 июн.	21:00	АҚШ — Чехия	..
	24:00	Италия — Гана	..
17 июн.	21:00	Чехия — Гана	..
	24:00	Италия — АҚШ	..
22 июн.	19:00	Чехия — Италия	..
	19:00	Гана — АҚШ	..

	Ю	Д	М	Т:Н	О
Италия					
Гана					
АҚШ					
Чехия					

## F Бразилия, Австралия, Япония, Хорватия

12 июн.	18:00	Австралия — Япония	..
13 июн.	24:00	Бразилия — Хорватия	..
18 июн.	18:00	Япония — Хорватия	..
	21:00	Бразилия — Австралия	..
22 июн.	24:00	Япония — Бразилия	..
	24:00	Хорватия — Австралия	..

	Ю	Д	М	Т:Н	О
Бразилия					
Австралия					
Япония					
Хорватия					

## G Франция, Швейцария, Жанубий Корея, Того

13 июн.	18:00	Жанубий Корея — Того	..
	21:00	Франция — Швейцария	..
18 июн.	24:00	Франция — Жанубий Корея	..
19 июн.	18:00	Того — Швейцария	..
23 июн.	24:00	Того — Франция	..
	24:00	Швейцария — Жан. Корея	..

	Ю	Д	М	Т:Н	О
Франция					
Швейцария					
Жан. Корея					
Того					

## H Испания, Украина, Тунис, Саудия Арабистони

14 июн.	18:00	Испания — Украина	..
	21:00	Тунис — С.Арабистони	..
19 июн.	21:00	С.Арабистони — Украина	..
	24:00	Испания — Тунис	..
23 июн.	19:00	С.Арабистони — Испания	..
	19:00	Украина — Тунис	..

	Ю	Д	М	Т:Н	О
Испания					
Украина					
Тунис					
С.Арабистони					

### 1/8 финал

№ 1	24 июн.	20:00	«А» 1-ўрин — «В» 2-ўрин	..	Мюнхен
№ 2		24:00	«С» 1-ўрин — «Д» 2-ўрин	..	Лейпциг
№ 3	25 июн.	20:00	«В» 1-ўрин — «А» 2-ўрин	..	Штутгарт
№ 4		24:00	«Д» 1-ўрин — «С» 2-ўрин	..	Нюрнберг
№ 5	26 июн.	20:00	«Е» 1-ўрин — «Ф» 2-ўрин	..	Кайзерслаутерн
№ 6		24:00	«Г» 1-ўрин — «Н» 2-ўрин	..	Кёльн
№ 7	27 июн.	20:00	«Ф» 1-ўрин — «Е» 2-ўрин	..	Дортмунд
№ 8		24:00	«Н» 1-ўрин — «Г» 2-ўрин	..	Ганновер

### 1/4 финал

A	30 июн.	20:00	№ 1 ғолиби — № 2 ғолиби	..	Берлин
B		24:00	№ 5 ғолиби — № 6 ғолиби	..	Гамбург
C	1 июл.	20:00	№ 3 ғолиби — № 4 ғолиби	..	Гелзенкирхен
D		24:00	№ 7 ғолиби — № 8 ғолиби	..	Франкфурт

### 1/2 финал

4 июл.	24:00	A ғолиби — B ғолиби	..	Дортмунд
5 июл.	24:00	C ғолиби — D ғолиби	..	Мюнхен

### 3-ўрин учун

8 июл.	24:00		..	Штутгарт
--------	-------	--	----	----------

### Финал

9 июл.	23:00		..	Берлин
--------	-------	--	----	--------

Ўйинлар бошланиши Тошкент вақти билан  
кўрсатилган.

